



**TRANS
AUDIT - A**
Auditing Company

ООО "TRANS-AUDIT-A"

P/C: 2020 8000 3039 5083 0001

Ташкентский городской региональный филиал УзПСБ

МФО: 00424, ИНН: 202651054, ОКЭД: 69202

Ташкент, Юнусабадский район, ул. А.Темур 1/2.

+998 90 912-00-81 +998 71 268-48-86

transaudita@mail.ru

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамияти раҳбариятига

Мен, «TRANS AUDIT - A» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган, барча хўжалик юритувчи субъектларда аудит ўтказиш ҳуқуқини берувчи 2019 йил 17 апрелдаги № 00825 сонли лицензиясига мувофиқ) аудитори Тўлаев У.И. томонидан Молия вазирлигининг № 04852 сонли 2010 йил 10 июлда берилган сертификатида асосан хўжалик юритувчи субъект «Марказий деҳқон бозори» АЖнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатига тайёрланган Бухгалтерия баланси-1-сонли шакл, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот-2-сонли шакллари ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувиге асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Марказий деҳқон бозори» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамазнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Марказий деҳқон бозори» АЖнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти
раҳбари

Аудитор

08 июн 2020 йил
Тошкент шаҳри



И.М.Тахиров

У.И.Тўлаев